KONSAUDITINFORM AGENTLIGI

Аудиторлик ташкилоти, маъсулияти чекланган жамияти

O'zbekiston Respublikasi, 100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli ko'chasi, 41
Telefon (+998-71) 256-05-51, 255-02-95, 256-47-27 Faks (+998-71) 256-05-51 www.konsaudit.uz, consauditinform@mail.ru
X/R 20208000900600296001, "HAMKORBANK" ATB Yakkasaroy filiali, MFO 01013, STIR 201 800 335, OKED 69202

**Фаргона вилояти Кува тумани «Раста савдо комплекси» Акциядорлик жамиятига**

**20 Апрель 2022 йил**

# АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

**Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект номи ва реквизитлари:**

**Фаргона вилояти Кува тумани «Раста савдо комплекси» Акциядорлик жамияти:**

Юридик манзил: Фаргона вилояти Кува тумани Бустон кўчаси , хисоб раками 20210000704294681001 «Кишлок курилиш банк» Кува булими. МФО: 00867. СТИР 204758259. ИФУТ: 71270

**Аудиторлик ташкилоти номи ва реквизитлари:**

**«Консаудитинформ» Агентлиги МЧЖ аудиторлик ташкилоти.**
Юридик манзил: Тошкент шахри. Ш.Руставели кучаси. 41-уй. хисоб раками 20208000900600296001 ОАТБ «Хамкорбанк». МФО: 01013. СТИР: 201800335. ИФУТ: 84400. Адлия вазирлигида 10.04.2019 й. 00807-сон билан руйхатдан ўтган. «GARANT INSURANCE GROUP» АЖ сугурта ташкилотининг 05.10.2021 йилги № 14-1/3/0102 жавобгарлик суғурта полиси

Мен. МЧЖ «Консаудитинформ» Агентлиги МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори Парманов Муроджон Рахимбердиевич (аудитор малака сертификати № 05829 Ўз.Р. Молия вазирлиги томонидан 16.12.2021 йилда берилган) томонидан (Аудиторлик ташкилоти директори Парманов Муроджон Рахимбердиевич (аудитор малака сертификати № 05829 Ўз.Р. Молия вазирлиги томонидан 16.12.2021 йилда берилган) 08.02.2022й. 28/27-сонли шартномага асосан **Кува тумани «Раста савдо комплекси» акциядорлик жамияти. (СТИР 204758259) 2021 йил 31 декабр** холатига Бухгалтерия балансидан. Молиявий натижалар тўгрисида хисоботдан. Пул окимлари тўгрисида хисоботдан. Хусусий капитал тўгрисида хисоботдан. шунингдек хисоб сиёсати ахамиятли коидаларининг кискача тавсифи ва бошка изохловчи маълумотлардан иборат бўлган илова килинаётган молиявий хисоботлари аудитини ўтказдим.

**Хўжалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект рахбарияти мазкур молиявий хисоботларни *Молиявий хисоботнинг халкаро стандартларига* мувофик тайёрлаш ва хакконий тасаввур берадиган молиявий хисоботларни таклим этиш. фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган мухим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий хисоботларни тайёрлаш учун зарур деб хисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш. хамда

бухгалтерия хисоби тўғрисидаги конун хужжатларига мувофик молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз аудитни *Аудитнинг халкаро стандартларига* мувофик ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлокий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларни олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай рискларни баҳолашда аудитор вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш мақсадида, тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади.

Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

**Фикр**

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар **Қува тумани «Раста савдо комплекси» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабрга** бўлган молиявий ҳолатини кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жиҳатларда *Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига* мувофиқ ҳаққоний акс эттиради.

**«Консаудитинформ» Агентлиги МЧЖ**
**Бош директор-Аудитор:** **М.Р. Парманов**